Ушбу сонда:

2 ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ – меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи

3 КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА ТАВСИЯНОМА

4 ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ ҳаёт тажрибасидан ортда қолмаяптими?

ХИЗМАТГА НАФ КЕЛТИРИШ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 31 январ, сешанба № 17 (2066)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қиш сурури

А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

АНАСТАСИЯ ТУРИНГА БОРАДИ !..

Яна бир неча кундан сўнг Италиянинг Турин шаҳрида бошланадиган навбатдаги қишки олимпиада ўйинларида ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар сафи яна биттага ортди.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасига фигурали учиш халқаро уюшмаси томонидан юборилган мактубда ҳамюртимиз Анастасия Гимазиддинова олимпиада ўйинлари қатнашчилари рўйхатига расман киритилганлиги маълум қилинди. Айни спорт турининг жуфтлик баҳсларида икки ҳамюртимиз Марина Аганина ва Артём Князовлар Турин олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишган эди. Энди улар қаторига Анастасия ҳам қўшилди.

Об-ҳавонинг барча инжиқликларига қарамасдан, фарғоналик бободеҳқонлар ҳозирданоқ баҳорги экинтикин ишларига тайёргарликларини аллақачон бошлаб юбордилар. Айни кунларда вилоят қишлоқ хўжалигида мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Бешариқ туманида ҳам шу кунларда анча ибратли ишлар амалга оширилди. «Бешариқ МТП» акциядорлик жамияти аъзолари бу ерда мавжуд техникаларнинг барчасини баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини кўнгилдагидек амалга оширмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади, барча техникаларни тез ва сифатли таъмирлашдан иборатдир.

Айни пайтда жамият аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар барча техникаларни ҳар томонлама шай ҳолатга келтириш ишларини амалга оширмоқдалар. Шунингдек, бу ерда ишчилар меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу йилги мавсумда туман миқёсида 204 та чопиқ, 186 та культиватор, 30 та дон комбайнлари ва бошқа кўплаб техникалар деҳқонларга беминнат хизмат кўрсатади.

Суратларда: жамият ишчиси Шуҳрат Бегматов; таъмирдан чиққан техникалар.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

МАКТАБ ҲОМИЙСИ

Қанликўл туманида «Саўбет» фермер хўжалиги ва унинг раҳбари Давлатбой Жумановни яхши билишади. Фермер нафақат меҳнатда эришаётган улкан ютуқлари, балки саховатпешалиги билан ҳам эл назарига тушган. У «Қанликўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 16-ўрта мактабга икки йилдан бери ҳомийлик қилиб келади.

Фермер яқинда яна бир хайрли ишга бош қўшди. Унинг ташаббуси билан мактабда миллий кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиби Гавҳар Есемуратова ҳамда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар билан қизиқарли учрашув ташкил этилди.

Тадбирда ғолиб спортчиларга фермер томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

(ЎзА)

Фермер - қишлоқ мулкдори

Президентимизнинг 2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини (ширкатларни) фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг ижроси бўйича Навоий вилоятида кўплаб ишлар амалга оширилаяпти. Ўтказилган тендер танловларида экин майдонлари ер билан таъминланган, билими, тажрибаси ва иш малакаси етарли бўлган, деҳқончилик сир-асрорларидан хабардор фидойи ва тадбиркор кишиларга берилаяпти.

ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ

ер муносибларга берилаяпти

Жорий йилда 14 та ширкатнинг мулк шакли ўзгартирилиб, 964 та фермер хўжаликлари ташкил этилади. Уларга 67734 гектар ер тарқатилиши режалаштирилган. Бу ҳар бир фермерга 39 гектардан тўғри келади.

Тупроқ шароити анча мураккаб ҳисобланган Кармана туманида фермерлик ҳаракати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти. «Ҳазора», «Нарпай» ва «Зарафшон» ширкат хўжаликларида ер ажратиш, уни тақсимлашга масъулият билан ёндошилди. Ҳазоралик тажрибали пахтакор, суяги меҳнатда қотган Шерали Азизов кўп йиллар пудратчи бўлиб ишлади. Қишлоқда камол топган, умри далада ўтган собиқ бригадир бугунги кунда фермер бўлганидан мамнун. Далаларда қишки агротехника тадбирлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Раъно Валиева Ўртачўл кенгликларида меҳнат қилиб, обрў-эътибор топган. Ҳар йили пахта ва дон топшириш шартнома режаларини ошириб бажариб, катта даромад олади. Ундан бир қисмини хўжалик аъзоларига моддий ёрдам учун ажратади.

Раъно опа таъкидланганидек, ерни ардоқласангиз асло кам бўлмайсиз. Ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи бўлган муқаддас замин инсондан ўз саховатини аямайди. Халқимиз ерни боқсанг, ер сенга боқади, деб бежиз айтмаган.

Тажрибали деҳқон аёл билан бир сафда ишлаётган «Гардион юлдузи», «Аму-2000», «Рустам Ражаб» каби фермер хўжаликлари эришган муваффақиятлар туфайли одамларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб, турмуш кечириши яхшиланаяпти. Бу йил туманда иқтисодий самара бермаётган 4 та ширкат тугатилиб, уларнинг ўрнида 172 фермер хўжаликлари ташкил топади. 7752 гектар ер майдони фермерлар тасарруфига ўтади.

Ўтган йили вилоятда тайёрланган пахтанинг 72 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келган эди. Бу рақам жорий йилда янада кўпаяди. Кармана туманидаги «Номоз бобо», Хатирчидаги «Очил бобо», Қизилтепадаги «Манғит», Конимехдаги «Умида» фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан оширдилар.

(Давоми 2-бетда)

Бошланғичга кўп нарса боғлиқ

ВАТАНПАРВАРЛИК

иймон даъватига айланиши лозим

Ватан - бу минг йиллар мобайнида сайқаллашиб, кишилар руҳига илҳом берувчи, мард ўғлонларни жасоратга, керак бўлса она замин учун жонларини фидо этишга ундовчи муқаддас бир туйғудир.

Ватан - бу бизнинг оила, уйимиз, яшаб турган маҳалламиз, қишлоғу шаҳримиз ва, албатта, бу - Она Ўзбекистонимиздир.

Шу ўринда, Президентимизнинг қуйидаги сўзларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак. Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак».

Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.

Бу буюк ғоялар ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик - муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари бизларга «Ватанпарварлик» сўзи қандай мазмунга, моҳиятга эга эканлигини, «Ватанпарвар» қандай бўлиши кераклигини тўлатўкис очиб беради.

Зеро, мустақил давлатимизнинг келажаги бўлган, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашувчи, идрокли, қобилиятли, юртига, Ватанига, халқига чексиз меҳр-муҳаббат ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган авлодни камол топтириш, уларнинг онгида миллий истиқлол тафаккури ва ватанпарварлик ғояларини шакллантириш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу борада шуни айтиш лозимки, ватанпарварлик туйғуларини ўқувчи ва талабалар онгига сингдиришда Ўзбекистон тарихи фани бўйича ташкил қилинган тўгараклар муҳим аҳамият касб этади. Шуни тўғри тушуниб етган институтимизнинг «Ўзбекистон тарихи ва фалсафа» кафедраси профессор-ўқитувчилари тўгараклар фаолиятига алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар. Кафедра қошида «Истиқбол» иқтидорли талабалар клуби ҳамда «Тарих ва замон» тўгараги ташкил этилган. Ушбу машғулотларда дарсда ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш билан бирга, буюк саркардалар, халқнинг бахт-саодати учун курашган кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини, тарихий жангларга доир воқеаларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки, клуб ва тўгарак фаолиятида қўлланилган жуда кўп усуллар, табиийки, талабаларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиб, ватанпарварлик тушунчалари билан ахлоқий, ғоявий эътиқод уйғунлашувига хизмат қилади.

Шу билан бирга талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда давра суҳбатлари, учрашувлар, турли кўрик-танловларнинг ўрни беқиёс. Улар шунчаки тадбир бўлмаслиги керак. Давра суҳбатлари, учрашувлар, турли кўрик-танловларни пухта ўйланган режа асосида тайёрлаш зарур ҳамда уларнинг таъсирчан чиқишига эътиборни қаратиш керак.

Давра суҳбатлари, учрашувлар, турли кўрик-танловларни ташкил қилишда мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатини ёшлар орасида улар кучи билан тарғиб этиш ва Она Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этишнинг моҳиятини англаб олишларига замин яратиш, талаба-ёшлар ва зобитларнинг билим, малака ва маънавий савиясини ошириш, бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, буюк тарихимизга ва миллий қадриятларимизга эҳтиром ва ихлосмандлик туйғуларини тарбиялаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Ватан, миллат, ўзлик туйғуларини ёш авлод онгига сингдириш, ёшлар ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашни йўлга қўйиш, терроризм, ақидапарастлик ва гиёҳвандликка қарши курашиш, ёш авлодни онгига эзгулик уруғларини қадаш, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда институт ва жойлардаги нодавлат ташкилотларни ҳамкорликка чақириш, ўсиб келаётган жисмонан чиниққан, ақлан етук, маънан баркамол ёшларни оммага танитишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам институт «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда институт Бирлашган касаба уюшма қўмитаси иш режаларида ушбу йўналишларда фаолият олиб боришга жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, 14 январ - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан институтда ватанпарварлик тадбирлари ойлиги иш режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, тадбирлар доирасида «Маънавият куни» дастури бўйича талабаларни Андижон ўлкашунослик музейига, Боғи Бобурдаги тарихий уй музейига, Конституция ҳамда Хотира ва Қадрлаш майдонларига саёҳатлари уюштирилди. Саёҳат давомида гуруҳ мураббийлари ва ижтимоий фан ўқитувчилари талабалар билан «Заҳириддин Муҳаммад Бобур - шоҳ ва шоир», «Андижонлик қаҳрамонлар», «Андижоннинг мард ўғлонлари», «Аждодлар қаҳрамонлиги - ёшларга ибрат», «Миллий армия - ифтихоримиз», «Давлатчилик ва мудофаа», «Аскарлик—йигитлик бурчи» каби мавзуларида маънавият дарслари ташкил қилинди.

Талабалар ҳарбий қисмларда бўлдилар. Улар биринчи навбатда ёш аскарларга яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Шундан сўнг зобитлар билан талабалар ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Ҳарбий қисм командирлари уларга мустақиллик йилларида республикамизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, унинг бугунги натижалари ҳамда ҳарбий соҳада амалга оширилган модернизация концепциясининг моҳияти ва асосий йўналишлари хусусида гапириб бердилар.

Комил ва баркамол, етук авлодни шакллантириш мақсадида институт «Маънавият ва маърифат» маркази, бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Мардлар майдонда» мавзусида кўрик-танлови ташкил қилинди. Унда вилоятдаги мавжуд ҳарбий қисмларнинг зобитларидан иборат «Андижон йўлбарслари», «Мадад» ҳамда Андижон муҳандис-иқтисодиёт институтининг «Ёш посбонлар» жамоалари иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда кенг фикрловчи, чуқур эътиқодли инсонларгина ватанпарвар фуқаро бўлиши мумкин.

Ҳ.МАТИСАЕВ, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

ТУМАН ҲУДУДИДА ОЧИЛДИ

Қўшкўпир туманидаги фермерлар учун яна бир қулайлик яратилди. Энди улар ўзлари етиштирган пахта ҳосили учун давлат томонидан бериладиган пахта ёғи, шрот ва шелухаларни ҳар доимгидек вилоят марказидан эмас, туман ҳудудида очилган «Урганчёғ» ҳиссадорлик жамиятининг шохобчаларидан оладиган бўлишди. Дарвоқе ўтган йили фермерлар учун 5 та ана шундай шохобча ташкил қилинганди.

Жорий йилдан бошлаб фермерлар ишга янгича услуб билан ёндошмоқдалар. Кузда экин майдонларининг аксарият қисми шудгор қилинди. Айни пайтда далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қизғин давом этмоқда.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч»га жавоб берадилар

СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА...

Газетамизнинг ўтган йил 51-сонида «Сен менга тегма, мен сенга...» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Танқидий чиқишдан сўнг кўрилган чора-тадбирлар юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Деҳқонобод тумани «Қишлоқхўжаликкимё» бўлимида ишловчи фуқаро Аннамаҳмат Саидовнинг шикоят хати бўйича ёзилган мақола малакали мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақолада «Қишлоқхўжаликкимё» вилоят жамияти Деҳқонобод туман филиалида техника воситалари кучидан самарали фойдаланилмаётганлиги, ходимлар учун қулай иш шароитлари яратилмаганлиги, ойлик маошларнинг вақтида берилмаётганлиги, дебитор қарздорликнинг ошиб кетганлиги тўғрисида қайд этилган айрим далиллар текшириш жараёнида қисман ўз тасдиғини топди.

Туман бўлими фаолиятида хато ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва уларнинг бажарилиши назоратга олиниб, қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Бўлимнинг дебитор қарзлари қайта хатловдан ўтказилиб, вилоят хўжалик судига мавжуд 55073,3 минг сўмлик қарзларни ширкат ва фермер хўжаликларидан ундириб бериш тўғрисида даъво аризалари киритилди.

Ишчи-ходимларнинг иш ҳақидан қарздорлигини бартараф этиш мақсадида вилоят жамияти ҳисобидан туман бўлимига 3 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди ва иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Шунингдек, бўлим балансидаги мавжуд барча техника воситалари хатловдан ўтказилиб, уларни таъмирлаш учун вилоят жамияти ҳисобидан зарур эҳтиёт қисмлар ва шиналар етказиб берилди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган техника воситаларини марказий автосаройга йиғиш учун жамият томонидан зарур чоралар кўрилди.

Барча нуқсонларнинг келиб чиқишига йўл қўйган бўлим мудири А. Ураловни лавозимидан озод қилиш масаласи мутасадди ташкилот раҳбариятига етказилди.

А.УСМОНОВ, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари

Қилмиш — қидирмиш

ЭГРИНИНГ СОЯСИ ҲАМ ЭГРИ

Нафс қурсин. Унинг сўзига кириб, не-не валломатлар охир-оқибат тилини тишлаб қолганига неча бор гувоҳ бўлганмиз. Зеро, жиноят илдизига болта урибгина мақсадга эришиш мумкин. Ушбу таомилга риоя қилган Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда унинг бўлимлари солиқ, божхона бошқармалари, Ички ишлар вазирлиги солиқ ва валютага оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликда баҳамжиҳат ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Тўрткўл тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ва туман ДСИ ходимлари «Омад-ЛТД» хусусий фирмасида қисқа муддатли текширув ўтказди.

Текшириш жараёнида маълум бўлдики, фирма раҳбари Умирбек Сапаев «Савдогарбанк»нинг Тўрткўл бўлимида ҳисоб рақамини очиб, 620711,0 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган. У харидоргир маҳсулотлар олиш учун 503558,0 минг ўтказиб, олинган маҳсулотларни ўз савдо шохобчаси бу ёқда қолиб, бозорда сотган. Пихини ёрган «тадбиркор» умумий тушумнинг 273457,0 минг сўмини банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб, қолган 230101,0 минг сўмни киши билмас енг ичига яширган. Туман ДСИга эса «Омад ЛТД» хусусий фирмаси 53014,3 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширди қабилида ҳужжат тақдим этган. Аслида товар айланмаси 371209,9 минг сўм бўлиб, тушум 318195,6 минг сўмга камайтириб кўрсатилган. Бу хатти-ҳаракати билан фуқаро У.Сапаев тўланиши шарт бўлган 5409,4 минг сўм солиқдан қутилиб қолмоқчи бўлган.

Яна бир тўрткўллик устомон Улуғбек Султонов ош тузи қадоқлайдиган яширин цех очиб кенг фаолият юритган. Боз устига, табиий газ ва электр қувватидан ўзбошимчалик билан истаганича фойдаланган. Текширув давомида қадоқланган халтачалар муқовасига Ал-Мансур ЛТД «Юлдуз» экстра ва йодланган «Шифо» ош тузлари деб ёзилган ёзувлар беихтиёр эътиборни тортди. Демак, цех соҳиби мсижозларнинг қалбини қитиқлаш йўлларидан ҳам бохабар бўлган. Бироқ, бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек, яширин цех фош этилди ва унинг фаолиятига чек қўйилди. К.Ортиқов номли кўчадаги 1-хонадондан У.Султоновга тегишли 8170 халтачадаги ош тузи, 75 қопда жами 4500 кг техник ош тузи, елим халтачаларнинг оғзини ёпадиган 2 та ускуна, «Шифо» ош тузи, деб ёзилган 6042 дона, «Юлдуз» экстра ош тузи ёзувли 24 дона халтача далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Республика прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими бош тафтишчиси К.Ибрагимов «Қўнғирот ун заводи» акциядорлик жамиятида текширув ўтказди. Аниқланишича, ғазначи Б.Ешниязованинг номига 208-сонли ишонч қоғози расмийлаштирилиб, Қонликўл туманидаги «Қасаси бор ходимларнинг барчаси канцелярия товарларини (иш қуролларини) олмаганлиги маълум бўлди. Ғазначи Б.Ешниязова эса 208-сонли «Ишонч қоғози»дан мутлақо бехабарлигини таъкидлаб, тушунтириш хати ёзди. Демак, имзолар ҳам, қолган ҳужжатлар ҳам сохта. Бундай ножўя ҳаракати билан жамиятнинг лавозимли шахслари корхона маблағини талон-торож қилган ва кўп миқдорда зиён етказган.

Нукус тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари тезкор маълумотларга кўра «Орнек» хўжалигида жойлашган рақамсиз уйни кўздан кечирди. У 1970 йилда туғилган фуқаро Кайратдин Жиемуратовга тегишли эди. Текширув жараёнида мазкур хонадонда ғайриқонуний равишда сақланаётган, зарур ҳужжатларсиз жуда кўп миқдордаги 77 хил маҳсулот, жумладан, 12 қути гулқоғоз, 25 дона одеял, 3487 жуфт аёллар, 1159 жуфт эркаклар пойафзали, 35 қути бўёқ, 123 дона эркаклар спорт либоси, 1450 дона коптоқ борлиги аниқланди. Пировард натижада умумий суммаси 20 миллион сўмлик нарсалар далилий ашё сифатида вақтинча сақлаш учун олиб қўйилди. Нукус шаҳар марказий деҳқон бозорида валютафуруш Илҳом Нодиров қўлга олинди. У ноқонуний равишда фуқаро Бегдияр Дуалетовга АҚШ долларларини сотаётган эди.

Қилмиш-қидирмиш, эгри ишнинг сояси ҳам эгри. Қонун устувор мамлакатда уни бузиш, ўз ўзига ҳукм ўқишдир.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири

Тадбиркорлик — давр талаби

ЮРТБОШИМИЗ БИЛАН УЧРАШГАН ИШБИЛАРМОН

Ойбек тонгда туриб далага отланди. Кор кўрпасига бурканган унумдор тупроқ киш уйқусида. Чуқур ағдариб ҳайдалган, минерал ва маҳаллий ўғитга тўйинтирилган майдонлар кафтдек текисланган. Карта четида компост тўдаси уйиб қўйилган.

Ёш бўлса ҳам деҳқончиликнинг ҳадисини олган уддабуррон йигит она заминни ардоқлаб, кам бўлгани йўқ. Ҳалол меҳнат орқасидан рўзғорига барака кириб, дастурхони маъмур бўлаяпти. Кеча қишлоқ кўчаларини чангитиб юрган ўспирин бугун катта ер эгаси. Эл-юрт ўртасида обрў-эътибори, нуфузи бор.

Ойбекнинг чорак асрлик ҳаётида кўп воқеалар юз берган. Фақат биттаси хотирасида абадий муҳрланиб қолган. Бундан икки йил муқаддам кузнинг ўрталарида Юртбошимиз билан учрашди. Президентимиз жуссасида куч-ғайрат ёғилиб турган полвон сифат йигитга катта ишонч билдирдилар.

– Фермерлик осон иш эмас, – деди мамлакатимиз раҳбари оқликка чулғанган чексиз пайкалларга боқиб. – Ҳар қандай одам ҳам фермер бўлавермайди. Бунинг учун ернинг тилини билиш керак. Шу боис уни ўзининг ҳақиқий эгасига бериш зарур. Бу масалада қонун ва адолат тарозусига қатъий риоя қилиш даркор. Шундагина фермерлик ҳаракати биз кутган самарани беради.

Мана икки йилдирки, «Азизбек Қўзиев» фермер хўжалиги деҳқонлари ҳар гектар майдондан 45 центнердан хирмон кўтариб, ғолибликни қўлдан бермай келишаяпти. Хўжалик йили 8-10 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Мулк эгасининг кайфияти баланд, дастурхони тўкин, ҳовлисида тўйю томоша, хурсандчилик.

Қамаши туманида ислоҳотлар йўлидан бориб, юқори кўрсаткичларга эришаётган фермер хўжаликлари устидан чиқади. Тажрибали фермер Юсуф Сафаров элим деб, юртим деб яшаётган деҳқонлардан бири. Меҳнатда тобланган бундай серғайрат инсонларни «Ғайратбек ибн Лафас», «Мейли бобо ўғли Арслон», «Қурбонов Элмурод» фермер хўжаликларида ҳам учратиш мумкин.

Азалдан уста пахтакорлар маскани ҳисобланган Оқработ қишлоғининг «Шерзод Нарзулла бобо ўғли», «Зоҳиджон Поён бобо ўғли», «Гулруҳ Қаҳрамон қизи», наврўзлик «Мейликул бобо ўғли Хуррам», қорабоғлик «Бектемир», чимлик «Саноқул Рустам ўғли» сингари фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришдан келаётган фойда кўпайиб, моддий манфаатдорлик ошиб бормоқда.

Даромадга қараб буромад, деганларидек, савоб ва хайрли ишлар кўпаймоқда. Қамашидаги Меҳрибонлик уйига тадбиркорлар томонидан 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қариялар уйи таъмирланиб, янги жиҳозлар келтирилди. Марказий шифохонага 26 миллион сўм, шу жумладан ҳомийларнинг 3,8 миллион сўм маблағлари сарфланиб, «Шошилинч тиббий ёрдам» лабораторияси бўлимлари, туғруқхона мажмуаси тўлиқ таъмирланди. Қишлоқлар аҳолисига «Тез тиббий ёрдам» кўрсатиш учун 2 та «Дамас» автомашинаси олинди. Чим, Лангар, Ёртепа, Гулистон қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

И.ИСОМИДДИНОВ

Ислом КАРИМОВ:

Олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Эл ардоқлаган кишилар

КИМЁГАРЛАР СУЛОЛАСИ

Рустамхўжа ҳарбий хизмат бурчини адо этиб қайтганидан сўнг «Ферганаирстрой» трестининг кўчма механизациялашган жамланмасига дурадгор бўлиб ишга кирди. Лекин ўғлининг ишидан кўнгли тўлмаётганини сезган ота унга ўз маслаҳатини берди.

– От ўрнини той босар. Ўзингни ўққа-чўққа урмасдан, изимдан борсанг, касбимни эгалласанг, кимёгарлар сулоласини давом эттирсанг, кам бўлмайсан, – деди «Қўқонсуперфосфатзаводи» акциядорлик заводида технологик жиҳозлар машинисти бўлиб ишлайдиган отаси Эргашхўжа Ёдгоров. – Чорак асрдан буён шу ерда ишлаб, обрў-эътибор қозондим, элни танидим, дўстлар орттирдим. Сен ҳам ёнимга қўшилсанг, кам бўлмайсан.

Ота насиҳатига амал қилган ўғил ўша ҳафтаёқ кимёгарлар сафидан ўрин эгаллади. Корхонада «Эшон ака» номи билан шуҳрат қозонган отаси ўғлига устозлик қилди. Унинг суперфосфат цехининг моҳир машинисти сифатида обрў-эътибор қозонишида бошқа устозларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди.

– Машинистлар технологик жиҳозлардан фойдаланган ҳолда вагонлардан юк туширишади, - дейди у. – Қайта ишлашга келтирилган минглаб тонна хомашёни нест-нобуд қилмасдан омборларга жойлаштирилишида юқори босимли ҳаво ёрдамида ишлашимиз қўл келади. Шунинг учун манометр кўрсаткичини 8 атмосферадан камайтирмаслигимиз керак.

Ҳа, ўз касбининг устаси Рустамхўжа Ёдгоров ҳамкасблари билан ҳамжиҳатликда ишлаши туфайли ҳар сменада 61 тоннадан иборат бўлган 8 вагон юкни омборларга жойлаштиришга эришаяпти. Цехда эса Навоий кон-металлургия комбинатидан келтирилган фосфорит унидан сифатли минерал ўғитлар тайёрланяпти.

Р.Ёдгоров меҳнат фаолияти давомида ўндан ортиқ ёшларга устозлик қилди. Исроилжон Йўлдошев, Аҳмадали Каримов ва Валижон Алижонов каби кимёгар-машинистлар унинг шогирди эканлигини ҳамма яхши билади.

– «Эшон ака» 38 йил корхонамизда меҳнат қилиб, 1994 йили пенсияга чиққан, - дейди цех механиги Мамуржон Назаров. – Бугун ишини тўрт нафар фарзандлари давом эттиришяпти. Рустамхўжа оиланинг тўнғич фарзанди. У ҳозир ўз отаси бошқарган технологик жиҳозлардан фойдаланади. Укаси Мухторхўжа ҳам ана шу касбни кўп йиллардан буён эъзозлаб келади. Йўлдошхўжа ва Исроилхўжа эса корхонанинг кўзга кўринган нурчилари.

У ҳозир корхонада моҳир чилангар, пайвандловчи, созловчи, дурадгор, токар ва таъмирловчи сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Элим деб, юртим деб ёниб ишлайдиган бу кимёгар кўплаб мукофот ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Рустамхўжа Ёдгоров Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қутлуғ 14 йиллиги арафасида Президент Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Қ. СУЛТОНОВА,
Қўқон шаҳри

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ – меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи

ҚАЛБ АМРИ

Бойсун туманида «Хангаронсой» сув омбори қурилмоқда. У воҳадаги «Жанубий Сурхон», «Уч қизил», «Тўполанг» сув омборларидан кейинги тўртинчи сув омбори бўлади. Бойсун тоғлари оралиғида барпо этилаётган ушбу иншоот битказилгач, туманда пахта, ғалла майдонларини кенгайтириш, янги боғ-роғлар яратиш имкони туғилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, бу ерда баҳор фаслида йилига 8 миллион куб метргача сув жамғарилади.

Сув омборини бу соҳада яхши тажриба орттирган «Тўполангсув ГЭС» масъулияти чекланган жамиятининг 200 нафарга яқин қурувчи ва мухандислари бунёд этмоқда. Элликдан зиёд қудратли техника улар ихтиёрида. Ҳозиргача, бу ерда 650 миллион сўмлик иш бажарилди.

Ижро интизоми

БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

Ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун тадбиркор турли ортиқча ташвишлардан ҳоли бўлиши керак. Чунки кичик корхона ва фирмаларда кам сонли кишилар меҳнат қилади, уни раҳбар ва бухгалтер бошқаради. Улар ишлаб чиқариш, таъминот ва реализация масалалари билан узлуксиз шуғулланиши талаб этилади. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид фармонлари, тадбиркорлар молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришга, тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштиришга доир қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳужжатларнинг энг муҳими «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармондир.

Ҳисобли дунё

БОЛАЛАРГА САРФЛАНГАН БИР СЎМ

эртага минг баравар бўлиб қайтади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид қарорига асосан Фарғона вилоятида 11 кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Вилоятдаги 910 та мактабдан 842 таси ана шу дастурга киритилган. Шунга кўра 10 та ўқув муассасаси янгидан қурилиши, мавжуд умумтаълим мактабларининг 215 таси капитал реконструкция қилиниши, 372 таси капитал таъмирланиши ва 245 таси жорий таъмирдан чиқарилиши лозим.

Ўтган йилда 103 та мактабда ана шундай ишларни амалга ошириш режалаштирилган эди. Шу асосда Қува туманидаги Меҳнатобод ва Риштон туманидаги Оқтомир қишлоқларида 315 ўқувчига мўлжалланган зиё масканлари бинолари янгидан қуриб битказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебел, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда махсус нормативлар ва манзилий дастур ишлаб чиқилиб тегишли идоралар томонидан тасдиқланди. Бу борада тендер савдолари ўтказилиб, унда ғолиб чиққан 19 та корхона ва ташкилот билан шартномалар тузилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган умумтаълим мактабларига жиҳозлар сотиб олиниб, жойлаштирилди. Ана шу ишларга 2 миллиард 629 миллион 541 минг сўм сарфланди. Айни пайтда улардан унумли фойдаланиш ва асрабавайлаб сақлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги мактаблар қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам кенг кўламда амалга оширилади. Давлат умуммиллий дастурининг 2006 йил режасига мувофиқ Ёзёвон туманидаги 25-мактаб учун янги бино қурилиши, 35 та ўқув муассасаси капитал реконструкция қилиниши, 89 та мактаб капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиши лозим. Мана шу ишлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, тендер танловлари ўтказилди ва қизғин ишга киришилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошланган айрим ўқув даргоҳларининг ўқувчилари ўша ҳудудга яқин бўлган бошқа мактабларга кўчирилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туман бўлимлари мутахассислари ҳамда мактабларнинг раҳбарлари қурилиш-таъмирлаш ишларининг боришини изчил назорат қилмоқдалар. Камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз талаблари, таклиф ва мулоҳазаларини илгари сурмоқдалар. Ҳокимликларда, қурилиш, архитектура ҳамда лойиҳалаш идораларида маорифчилар томонидан билдирилган эътироз ва мулоҳазалар инобатга олиниб, объектларнинг ўз муддатида сифатли қуриб битказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

С.АГЛАЕВА,
«Ишонч» мухбири

Китоб туманида ҳам иссиқхоналарда ҳосил етиштираётган миришкорлар сафи кўпайиб бормоқда. Хусусан, Саваз қишлоғидаги Абдуманнон Набиевлар оиласи шулар жумласидандир. Улар ўтган йили лимонзордан мўл ҳосил олишди.

Суратда: оила аъзоси Лобар Султонова.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

Фермер – қишлоқ мулкдори

ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ

ер муносибларга берилаяпти

(Боши 1-бетда)

– Қишлоқ мулкдорлари қўллаб-қувватланганлиги, уларга минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, техника воситалари, сув таъминоти яхшиланганлиги, кредит вақтида ажратилганлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, - дейди Навбаҳор туманидаги «Янгиер» фермер хўжалиги раиси Т.Раҳматов. - Мавжуд 62 гектар майдондан 260 тонна хирмон кўтариб, ҳосилдорликни 42 центнерга етказдик. Деҳқонларимиз ишлаб топган маблағларни тўй-томошалар ўтказиш, янги уй-жойлар қуриш ва рўзғорларига замонавий мебеллар олишга сарфламоқдалар.

Навоийлик деҳқонлар руҳиятида ерга эгалик ҳисси қарор топган. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 35 миллиард сўмга яқин даромад олинганлиги, келган соф фойданинг 60 фоизи қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари қурилишига сарфланаётганлиги қувонарлидир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш тубдан ўзгариб, фермерлик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгаллади. Кейинги пайтда Қизилтепадаги собиқ «Меҳнат-роҳат» ширкат хўжалигида маҳсулот етиштириш камайиб кетган эди. Бундан уч йил муқаддам бу ерда фермер хўжаликлар тузилиб, ерлар тадбиркор ва ишбилармон деҳқонларга бўлиб берилди. Натижада ҳудуддаги 20 та фермер хўжалигининг ҳар бири ўтган йилни 5 миллиондан 35 миллион сўмгача соф фойда билан якунлади.

Олий маълумотли агроном Комил Қодиров оила аъзолари ва ҳамкишлоқлари билан 43 гектарлик майдонда фаолият бошлаган эди. Аҳил ва иноқ жамоа ҳар гектар майдондан 44 центнердан ҳосил етиштириб, 12 миллион сўм соф фойда олди. Режадан ортиқча ишлаб чиқарилган 6 тонна дон аъзоларга тарқатилди. Айни пайтда пахта майдонлари сифатли шудгорланиб, ирригация шохобчалари тозалаб қўйилди. 13 гектар ердаги ғалла майсалари вақтида суғориб, озиқлантирилганлиги туфайли барвақт.

Вилоятда давлатга дон ва пахта сотиш шартнома режаларининг республикада олдингилар қаторида адо этилганлиги фермерлар меҳнати самарасидир. Моддий манфаатдорлик натижаларидан бахраманд фермерлар иқтисодиётимиз равнақига, халқимизнинг фаровон яшашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Навоий шаҳрида 150 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. «Мевасабзавоттайёрловсавдо» масъулияти чекланган жамияти уларни қиш кунларида сархил мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни ўз зиммасига олган.

Бугунги кунда жамият аъзолари бозор расталарини тўлдириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш, боғча, мактаб, касалхона ва бошқа муассасаларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

-Айни пайтда шаҳарлик истеъмолчиларга махсус омборхоналаримизда сақланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни арзон баҳоларда етказиб беряпмиз, - дейди жамият раиси Фахриддин Қаххоров. - 150 тоннадан ортиқ картошка, пиёз, сабзи ва бошқа маҳсулотларни ўз вақтида ширкат ва фермер хўжаликларидан сотиб олиб жамғариб қўйган эдик. Ана шу маҳсулотлар бугун шаҳар аҳли дастурхонини безаяпти.

(ЎзА)

Кўзгу

ЮТУҚЛАР КЎП

лекин муаммолар ҳам йўқ эмас

Мулк шакли ўзгариши билан касаба уюшмаларининг масъулияти янада кучайди. Атрофига 17 мингга яқин аъзони уюштирган вакиллик ва жойлардаги бошланғич ташкилотларда Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, ойлик маошларнинг вақтида тўланиши, Меҳнат Кодексида белгиланган моддаларнинг ижроси, меҳнат муҳофазаси масалалари доимий эътиборда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон касаба уюшмалари IV Қурултойида қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари кафолатланган жамоа шартномаларининг қабул қилиниши иш самарадорлигини таъминлади. Вилоят вакиллиги иш берувчилар билан 4 та жамоа келишуви, юридик шахс мақомини олган корхоналарда 205 та жамоа шартномалари қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, мулк шаклини ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш, меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган мажбуриятлар киритилиб, бажарилиши назоратга олинди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари юзасидан корхоналарда ходимлар тоифалари учун жорий этилган устама ва қўшимча тўловларнинг аниқ миқдорлари ишлаб чиқилди. Бандлик кафолати ва меҳнат шартномаси бўйича вазифалар белгиланди. Ходимларни ноқонуний ишдан бўшатмаслик ва қисқартирмаслик, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшмалари розилигини олиб, амалга оширишга жиддий эътибор қаратилган. Тармоқда меҳнат муҳофазасини яхшилаш тадбиркорларни ўз атрофига бирлаштирган. Косон деҳқон бозори очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилотининг саъй-ҳаракатлари билан ўттиз кишига 675 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Овқат пулига 2 миллион 72 минг сўм, икки учун қарийб 1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жамоамизнинг Косон туман вакиллигида 1,5 мингдан зиёд аъзо бўлиб, «Матлуботсавдо» масъулияти чекланган жамияти, Тайёрлов савдо, Деҳқон бозори очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Саховат» ишлаб чиқариш корхонаси ва 30 дан ортиқ якка ёшгача болалари бўлган оналарга нафақа тўлаш учун 400 минг сўм маблағ ажратилди.

Ходимлардан 5 нафари имтиёзли йўлланмалар билан санаторийда даволаниб келди. Табиий газ тўловларидан 650 минг, электр энергиясидан 600 минг сўм қарздорлик корхона ҳисобидан қопланди. 750 минг сўмлик иш кийимлари тарқатилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури асосида вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси Қарши шаҳридаги Меҳрибонлик уйига 1 миллион сўмдан зиёд кийим-кечаклар олиб берди. Қарши шаҳар тижорат бозори очиқ ҳиссадорлик жамияти кам таъминланган оилаларга 1 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатди. 33-махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига кийим-кечаклар тақдим этилди.

Айни пайтда тизимда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Вилоятнинг Ғузор, Миришкор, Нишон туманларида вакилликлар тузилмаган. Касаба уюшма аъзолик бадалларидан қарздорлик 2 миллион сўмдан ошиб кетган. Касаба уюшмалари мавжуд савдо, матлубот кооперацияси ва тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ қамраб олган эмас. Иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, бозор муносабатлари кенг жорий этилаётганлиги касаба уюшмалари фаолиятини кучайтиришни тақозо этади. Буни ҳисобга олган ҳолда ўз аъзоларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни янада яхшилаш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Ю.САИДОВ,
Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ: «МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА ТАВСИЯНОМА

Иш берувчининг мажбурияти

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ўтказиш учун иш берувчи 20___ йилга __________минг (миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олади, уларни ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиқади:

Цех (бўлим, ишлаб чиқариш) ___________минг (миллион) сўм ва ҳ.............

Маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:
Иш берувчидан________________________________
Касаба уюшма қўмитасидан_____________________

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (уларни амалга оширишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) жамоа шартномасига илова қилинади.

2. Ҳар бир жойга мослаб иш шароити тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак. Иш шароити тартиб қоидалари ______ йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг ______ фоизини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиши муносабати, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятини олади.

3. Иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларнинг ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАК). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира қўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхоналарни қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак).

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

- сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

- белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20___ йилнинг _______гача топшириш мажбуриятини олади.

12____ сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ҳамда бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминланиши керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона ҳудуди ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг ораликлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўташи билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);

хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;

ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;

меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;

корхона (структуравий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;

ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этилмаслик;

ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишлар ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;

цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этиш керак.

Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус устбош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя ҳамда бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса, иш берувчининг позициясига қарши уларoқ, касаба уюшмаси органининг иш шароитининг ходимлар соғлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиги учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг структуравий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ________ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тадирланишга цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлигига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ қуйидагича ҳақ тўлайди:

- шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоидада кўзда тутилганга нисбатан __________ фоиз кўп миқдорларда бир марта тўланадиган нафақа;

- қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда ________ фоиздан ________ фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

- меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлаши, шунингдек диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

- иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастлангани натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

Илова № ______

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона муассаса, ташкилот ва ҳоказо

№	Тадбирлар (ишлар мазмуни)	Ҳисоботга олиш бирлиги	Миқдори	Ишлар қиймати (минг сўм ҳисобида)	Тадбирларнинг бажарилиш муддати	Ижро учун масъул	Кутилган ижтимоий самара	
							Меҳнат шароити яхшиланиши керак бўлган ишловчилар	Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар сони
							Жами, шу жумладан хотин-қизлар	Жами, шу жумладан хотин-қизлар

1.
2.
3.
4.
5.

Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи	Берилиши керак бўлган махсус устбош. Махсус пойабзал ва махсус ҳимоя воситаларининг турлари	Ой ҳисобида кийилиш муддати

1.
2.
3.
4.
5.

Илова № ______

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар лавозимлар номи	Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак

1.
2.
3.

Илова № ______

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар лавозимлар номи	Овқатланиш рациони

1.
2.
3.

Илова № ______

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар лавозимлар номи

1.
2.
3.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ АКЦИОНЕРНОГО ИННОВАЦИОННОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА «ИПАК ЙУЛИ»

Порядковый номер сообщения – 09

Вид Общего собрания – **внеочередное**

Дата проведения Общего собрания – **28 января 2006 года**

Место проведения Общего собрания – **г.Ташкент, ул. Фархадская, 12 «а»**

Кворум собрания – **25 239 132 штук голосующих акций, 74,36 % голосов.**

Вопросы, поставленные на голосование, итоги голосования и принятые решения по ним:

1. О досрочном прекращении полномочий действующего состава Совета банка. Голосовали: "за" - 25 239 132, "против" - 0, "воздержавшиеся" - 0. Принятое решение: досрочно прекращены полномочия в отношении: Умарова Суннатуллы Абдуллаевича, доля участия в капитале банка – 0,0 %; Муминова Алишера Гаффаровича, доля участия в капитале банка – 0,0 %; Йост Хейи, доля участия в капитале банка – 0,0%; Москаленко Алексея Евгеньевича, доля участия в капитале банка – 0,0%; Гулямова Ильяра Расуловича, доля участия в капитале банка – 0,0%; Ким Анатолия Владимировича, доля участия в капитале банка – 0,0%; Раджабова Олима Хотамовича, доля участия в капитале банка – 0,0%.

2. Об избрании членов Совета банка. Принятое решение: Избран следующий состав: Муминов Алишер Гаффарович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Саидахмедов Фахритдин Анварович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Жозеф Антониус Оливьер ван Лейсхаут – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Эргашев Адхам Акбарович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Гулямов Ильяр Расулович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Ким Анатолий Владимирович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Сейлюс Жидрунас – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%);

Порядковый номер сообщения – 10

Орган управления, в котором произошли изменения:

Совет банка – прекращены полномочия в отношении: Умарова Суннатуллы Абдуллаевича, доля участия в капитале банка – 0,0 %; Муминова Алишера Гаффаровича, доля участия в капитале банка – 0,0 %; Йост Хейи, доля участия в капитале банка – 0,0%; Москаленко Алексея Евгеньевича, доля участия в капитале банка – 0,0%; Гулямова Ильяра Расуловича, доля участия в капитале банка – 0,0%; Ким Анатолия Владимировича, доля участия в капитале банка – 0,0%; Раджабова Олима Хотамовича, доля участия в капитале банка – 0,0%. Избран следующий состав: Муминов Алишер Гаффарович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Саидахмедов Фахритдин Анварович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Жозеф Антониус Оливьер ван Лейсхаут – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Эргашев Адхам Акбарович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Гулямов Ильяр Расулович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Ким Анатолий Владимирович – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%); Сейлюс Жидрунас – голосовали "За" - 25 239 132 (14,28%);

Дата принятия решения об изменении состава Совета банка – 28 января 2006 года внеочередным Общим собранием акционеров

Мамлакатимизда ёшларнинг келажакда мукаммал етук инсон бўлиб улғайишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Айни пайтда вилоят маркази Қарши шаҳрида ўнлаб коллежлару лицейлар, олий таълим даргоҳларида минглаб илмга чанқоқ ёшлар билим олмоқдалар.

Ана шундай таълим масканларидан бири Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтидир. Институт миқёсидаги бешта факультетда шу кунларда йигирма иккита кафедра фаолият кўрсатмоқда. Ушбу даргоҳда йигирма иккита таълим йўналиши бўйича бакалавр, бешта мутахассислик бўйича магистрлар, учта фан соҳаси бўйича аспирантлар тайёрланади. Институтда айни чоғда 3587 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Талаба ёшларга ўқув даргоҳининг 238 нафар малакали профессор-ўқитувчилари, шулардан 17 нафар фан доктори, профессорлар, 125 нафар фан номзодлари сабоқ бермоқда.

Суратларда: иссиқлик энергетикаси кафедраси мудири техника фанлари номзоди Ғулом Узоқов талабалар билан машғулот пайтида; муҳандислик техника факультети талабалари.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Давлат мулк қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига эркин муомаладаги валютада савдоларга қўйилган «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибидаги қуйидаги объектлар 2006 йил 1 февралдан АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўзбекистон Республикаси МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валюта-сўмда савдоларга қўйилишини маълум қиламиз.

1. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган Автокемпинг мажмуаси.

Бошланғич баҳоси – 2 027 600 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда.

2. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган «Саримай» автокемпинги. **Бошланғич баҳоси** – 764733 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда.

3. Наманган шаҳрида жойлашган «Наманган нефт базаси». **Бошланғич баҳоси** – 293231 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда.

4. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хайриобод қишлоғида жойлашган «Олтинсой нефть базаси». **Бошланғич баҳоси** – 619358 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда.

5. Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳрида жойлашган «Шаҳрисабз нефть базасининг Китоб филиали». **Бошланғич баҳоси** – 839500 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17
www.rkmb.uz

Менга сўз беринг

Миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдириш аввало оиладан бошланади. Оила, сулола мафкураси боболар ўгити, отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали авлоддан авлодга ўтади, боланинг онг ва шуурида муҳрланиб боради. Турмуши фаровон, ахлоқий, ғоявий-тарбиявий жиҳатдан соғлом оилалар кўп бўлган жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундай оилада баркамол шахс воияга етади, унинг туйғулари, тушунча ва дунёқарашида миллий истиқлол ғояси кенг тарқалади.

ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ

ҳаёт тажрибасидан ортда қолмаяптими?

Муборак Ҳадисда шундай дейилади: «Кишининг ўз қарамоғидаги кимсаларга беларво бўлиши унинг гуноҳкор эканлигига кифоядир». Бундан отанинг фарзандга нисбатан эътиборсиз бўлиши ҳам гуноҳ эканлиги англашилади. Зеро, бепарволик эртага жамият учун катта- кичик иллатларнинг пайдо бўлиши, илдиз отишига сабабчи бўлиши мумкин.

Турли бузғунчи оқимларга, ғарб модаси, мусиқа ва киносига эргашаётганлар, тақлид қилаётганлар асосан ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшлардир. Назаримда, айни пайтда ўқув муассасалари билан ота-оналар ўртасидаги муносабатлар мониторингини ташкил этишни янада кучайтириш керак. Шу асосда тадбирлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бола назоратсиз қолмайди. Барча иллатлар назоратсизлик оқибатида келиб чиқаяпти. Уйда бепарволик бўлса, мактабда эса «отаонаси бор-ку, қарайди-да» дейилса, фарзанд ўзи учун керакли тарбияни қаёқдан олади?

Оилада ёшларга маънавий қадриятларни сингдириш уларда Ватан туйғусини ҳис этишни, миллий ғурурни шакллантиради. Бу уларнинг эл-юрт олдида қарздор ва масъулиятлилигини англатишга кўмак беради. Масъулиятни ҳис қилган одам ўз ишини доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятни сафарбар этишга қодир бўлади.

Бу учун, аввало, ҳар бир ота-она мафкуравий билим, соғлом тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бўлиши лозим. Шунингдек, миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларни миллий истиқлол ғояларига содиқ, мустақил фикрлайдиган шахс этиб тарбиялаш мумкин.

Мазкур жараёнда бобо-бувилар, қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо, буви, қўшни ва қариндошларнинг таъсири кучлироқ бўлган. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг муҳим омили ҳисобланишади.

Оила педагогикасининг ҳаёт тажрибаларидан бир оз орқада қолганлиги, жамият ва шахс тафаккурида рўй бераётган мураккаб эврилишлар ўз вақтида илмий ечимини топмаганлиги баъзи ёшларнинг ғоявий адашишларига сабаб бўлди.

Мақсадли оилавий тарбия шахсни шакллантиришнинг бошқа омилларидан шуниси билан фарқ қиладики, тарбиячи ўз олдига онгли суръатда маълум бир мақсад қўяди ва унга эришиш учун интилиб, турли чоралар излайди.

Ғоявий тарбияда тарбияланувчилар ёши, типологик ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниши қатор педагогик муаммоларнинг олдини олади. Масалан, бола улғайган сари ота-онадан узоқлаша боради ва айримлари ўсмирлик даврида турли йўлларга кириб кетади. Баъзи ота-оналар боланинг физиологик ёшини ҳисобга олишмайди. Оилавий шароити ночор бўлган бола ота-онасидан турли камчиликлар топиб, айблай бошлайди, яъни унда оппозицион - мухолиф фикр туғилади.

Оила тарбиясида ўта даражада насиҳатгўйлик боланинг ота-онадан безишига олиб келади. Айниқса, ҳозирги замон ёшларига ўзаро тенг ҳуқуқли шахслар сифатида муомала қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмир дунёни зўр қизиқиш билан ўрганади ва унга ўз муносабатини белгилайди. У кўпинча ҳамма нарсага танқидий кўз билан қарайди. Яхши кўрган кишиларининг нуқсонини кўриб, қайғуради. Ҳар қандай қаллоблик ва мунофиқлик уни ғазаблантиради.

Ота-она билан ўспирин фарзанд ўртасида чегара пайдо бўлмаслиги учун арзимас хато учун болани қаттиқ уришиб жазоламаслик, тенгдошлари олдида изза қилмаслик, дўстларига нисбатан мумкин қадар моддий жиҳатдан кам қилмаслик, унинг фикри билан ҳисоблашиш лозим. Зеро, фарзандларнинг болаликдан ўзлигини англаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш, бобомерос эзгу амаллар билан фахрланиб, уларнинг ўсишига эришиш келажагимизнинг порлоқ бўлишини белгиловчи муҳим омилдир.

Ҳ.НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

Аҳоли саломатлигини асраш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш мамлакатимиз шифокорларининг энг долзарб вазифасидир. Айнан жорий йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталиши замирида ҳам халқимиз соғлиги, хотиржамлиги кўзда тутилган.

Шаҳрихон туманининг "Дўрмон" қишлоғида янги қишлоқ врачлик пунктининг фойдаланишга топширилиши жорий йили аҳоли саломатлиги йўлида бошланган шундай хайрли ишлар дебочасидир. Барча тиббий қулайликка эга, замон талаби даражасида жиҳозланган ушбу қишлоқ врачлик пункти фаолияти дўрмонликларнинг оғирини енгил қилди. Негаки, улар шу вақтга қадар туман марказий шифохонасига қатнар эди. Янги шифо маскани айнан шу муаммони ҳал этди.

Суратларда: қишлоқ врачлик пункти мудири (чапда) Абдулҳамид Омонов ва ҳамшира Нозима Қосимова; лаборатория ҳамшираси М.Аҳмедова.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

«УР ТЎҚМОҚ» ЯПОН ТИЛИДА

«Ур тўқмоқ» деб номланган эртакни ким билмайди, дейсиз. Айниқса, у болаларнинг севимли асарига айланган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бу ажойиб намунаси бир неча бор тўплам қилиб ёш китобхонларга тақдим этилди. Ана шу нашрлар истеъдодли рассом Ҳабибулла Раҳматуллаев томонидан чизилган расмлардан безак топди.

«Ур тўқмоқ»нинг япон тилидаги нашри ҳам тезда оммалашди. Шу сабабли ҳам тўплам халқаро китоб безакчилиги кўргазмасида совринли иккинчи даражали диплом билан тақдирланди. Ушбу эртакка қизиқиш ортиб бораётганлиги инобатга олиниб, «Ур тўқмоқ» Японияда яқинда иккинчи бор чоп этилди.

Бу нашр болалар китоб безагининг энг яхши намунаси сифатида ҳам яхши баҳо олди.

Эл орасида кўпгина мактабларда таълим-тарбия ишлари бўшашиб кетганлиги ҳақидаги гаплар юрганлиги сир эмас. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Болалар камолоти учун ота-она, мактаб алоҳида-алоҳида жавобгар эмас. Болалар мамлакатимиз келажагидир, баркамол авлод халқимизнинг эртанги саодатидир. Шу боис бунга ҳамма, ҳар бир киши масъулдир. Бугунги мактаб, таълим-тарбияни замонавий ташкил этиш ҳақида гап кетганда Тайлоқ туманидаги 30-мактаб тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш фойдадан ҳоли бўлмайди. Мазкур мактаб вилоятда «Йилнинг энг яхши мактаби» деб тан олинди.

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАРОМАД ҲИСОБИДАН

ўқитувчиларга қўшимча ҳақ, ўқувчиларга стипендия

Ибрат

Мактабда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга мутлақо янгича ёндошилмоқда. Ўқитувчиларнинг ишини, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишга маҳалла фаоллари, ота-оналар кенг жалб этилган. Уларнинг вакилларидан таркиб топган комиссия ҳар йили тўртинчи синф битирувчиларининг билимини назоратдан ўтказади. Натижада энг иқтидорли болалар саралаб олиниб, алоҳида махсус синф ташкил этилади. Бу синфга дарс ўтадиган ўқитувчилар ҳам танлов асосида танлаб олинади. Ҳомийлар ҳисобидан ва мактабнинг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан ўқитувчиларга қўшимча ҳақ, ўқувчиларга стипендия тўланади. Чораклар ва ўқув йили бўйича натижалар қайта таҳлил этилади. Талаб даражасида ўзлаштира олмаётган ўқувчилар яна умумий синфларга ўтказилади. Ҳозир мактабда ижтимоий фанлар, табиий фанлар, физика-математика, чет тиллар йўналишлари чуқур ўргатиладиган бешта махсус синф бор. Ушбу билим даргоҳи тарих, ҳуқуқ, инсон ва жамият фанларини ўқитиш бўйича Тайлоқ туманида таянч мактаби ҳисобланади. Олтинчи синф учун «Ватан туйғуси» фанидан янги таҳрирдаги давлат таълим стандарти шу мактабда синовдан ўтказилмоқда. Билим даргоҳида самарали ишлаётган Г.Фармонова, И.Абдиева, Ш.Иброҳимов, Н.Қурбонова, Л.Саидова каби малакали ўқитувчиларнинг иш тажрибаси аллақачоноқ оммалаштирилган.

Уларнинг янги педагогик технологияларни ижодий қўллаши чиндан ҳам ўрганишга арзийди.

Мактаб жамоасининг таълим-тарбияга янгича ёндошувининг самарасини қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. 9-синф ўқувчиси Дилфуза Аҳророва «Навоий асарлари шайдосиман» республика кўрик-танловида биринчи ўрини эгаллади. 4-синф ўқувчиси Ёрқин Эшонқуловнинг «Конституция - бахтимиз пойдевори» мавзусидаги иншоси ҳам биринчи ўринга лойиқ топилди. Мактабнинг зукко ўқувчилардан иборат гуруҳлари вилоятда ўтказилаётган турли танловлар ғолибидир. Мактабнинг ўнлаб ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашаётгани, олий ўқув юртларига қабул қилинаётгани бу даргоҳдаги таълимнинг сифати қай даражадалигидан далолат беради. Қисқаси, мактабда ўқувчиларнинг фанларни чуқур ўзлаштириши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар бор. Интилувчан ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш тизими мукаммал ишлаб чиқилганлиги ва амалда қўлланилаётгани, муҳими, холислик ва адолат мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Очиғи, мактаб эҳтиёжлари учун ўқувчилардан (ота-оналардан) пул йиғиш тажрибаси барча мактабларда бор. Аммо мазкур мактабда ота-оналарнинг бундай ҳомийлик ёрдами доимий даромад манбаини бунёд қилишга йўналтирилди. Бир неча йил олдин инобатга олинган бу таклиф энди катта фойда бермоқда. Мактабнинг ўз оҳак цехи, уч бош қорамоли, 0,30 гектар томорқаси бор. Бундан ташқари, ҳар йили ғалладан бўшаган майдонларга иккинчи экин экилади. Мана шулардан олинадиган даромад йилига қарийб 6 миллион сўмга етаяпти. Бу маблағнинг бир қисми ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришга, қолгани бинони таъмирлашга, ўқув-моддий базани бойитишга сарфланаяпти. Япониянинг 61.700 АҚШ долларига тенг гранти қўлга киритилгани мактаб имкониятларини янада яхшилади.

- Қилаётган ишларимиз давлатимизнинг ғамхўрлиги олдида денгиздан томчи, - дейди мактаб директори Р.Муродов. - Лекин биз одамларда фидойилик ва ташаббусни уйғотишимиз керак. Мақсадимиз рағбатлантириш орқали барчани юксак чўққиларни эгаллашга даъват этишдир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Биласизми?

КИТОБ ХАЛҚАРО КЕНГЛИК СТАНЦИЯСИ

Бундан 40 йил муқаддам республикамизда Астрономия институти ташкил этилган эди. Тошкент астрономия обсерваторияси замирида юзага келган бу илмий муассаса Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидаги йирик тадқиқот марказларидан бирига айланди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Тошкент астрономия обсерваторияси ўзининг 130 йиллик тарихига эга. Бу ерда астрономик тадқиқотлардanг ташқари геодозия ва геофизикага доир илмий кузатишлар ҳам олиб борилганди. Унинг моддий-техник негизи мутаҳкамланди. Бунда Москва, Санкт-Петербург астрономлари билан ҳамкорлик қўл келди. Такомиллашган телескоплар ёрдамидаги кузатиш ишлари ҳам самарали бўлди. Обсерватория таркибида бўлган сейсмология станцияси алоҳида илмий муассаса сифатида ундан ажралиб чиқди. Геодезия ва геофизикага доир илмий масалалар билан бошқа мустақил институтлар шуғуллана бошладилар.

Ниҳоят 1966 йилда обсерватория Австрономия институтига айлантирилди. Мана шу ўтган 40 йил мобайнида мазкур институт ўзининг салоҳиятли илмий мақомига эга бўлди. Бугунги кунда институт бир қанча халқаро астрономик ташкилотларнинг аъзоси, 300 дан ортиқ астрономик муассасалар билан алоқа қилиб туради. Астрономия институтининг Китоб халқаро кенглик станцияси дунёдаги шу хил бешта станциянинг бири ҳисобланади.

Институт жамоатчилиги ўзининг 40 йиллик санасини янги тадқиқотлар ва илмий кузатишларни қўлга киритиш билан кутиб олди.

А.АЛИЕВ

МУСАВВИР ИЖОДИ МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИДА

Замонавий санъат марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Рафаел Тоқтош ижодига бағишланган бадиий кеча ўтказилди.

Санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги Рафаел Тоқтош Ўзбекистонда яшаб ижод қилиб келади. У Москва Рассомчилик институтида тасвирий санъат сирларини ўргангач, Санкт-Петербург Бадиий академиясининг "Тасвирий санъат назарияси" факультетини муваффақиятли тамомлади. Рассом 42 йил мобайнида Ўзбекистон Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида фаолият олиб борди. Ўз ижоди давомида академик Рафаел Тоқтош Ўзбекистон ва Марказий Осиё тасвирий санъатига бағишланган 12 та асарга муаллифлик қилди. Шунингдек, Тошкент ва Москвада нашр этилган санъатшуносларнинг илмий тўпламларида ўз изланишлари билан иштирок этди. Унинг асарлари Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон Миллий Галереяси ҳамда Москвадаги Бохрушин номидаги давлат театр музейларидан ўрин олган.

Замонавий санъат марказида намойиш этилаётган кўргазма экспозициясига Рафаел Тоқтошнинг 60 га яқин рангтасвир ва графика асарлари қўйилган. Улар орасидаги айрим табиат манзаралари муаллифнинг талабалик йилларида яратилган.

«Туркистон-пресс»

Футбол

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Мутахассис ва мухлислар томонидан «кичик жаҳон чемпионати», - дея эътироф этилган кўҳна қитъанинг навбатдаги биринчилиги саралаш баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра россияликлар ўз гуруҳида Англия, Хорватия, Исроил, Македония, Эстония ҳамда Андорра терма жамоаларига қарши тўп сурадиган бўлди.

УЕФА мутассаддилари бу галги қуръа ташлаш маросимида жамоаларнинг куч жиҳатдан тенг бўлишига катта аҳамият берди. Рейтингдаги жойлашувига қараб россияликлар учинчи саватдан жой олдилар. Энди гуруҳдаги еттита терма жамоа иккита йўлланма учун кураш олиб боради. Бу гуруҳда йўлланмага асосий даъвогар сифатида учта терма жамоа кўрсатилаётган бўлса-да, футболда ҳар нарса содир бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Айни вақтда Россия терма жамоасини бошқарадиган бош мураббий лавозими бўш турибди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳолат тайёргарликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қитъанинг энг кучли терма жамоалари Италия, Франция, Шотландия ҳамда Украина жой олган гуруҳ - «ўлим гуруҳи» дея эътироф этилган.

РОМАРИОНИНГ 950-ТЎПИ

Ўзининг 40 ёшини қаршилаган бразилиялик машҳур футболчи Ромарио бу санани муносиб кутиб олди. Рио-де -Жанейро штати чемпионатидаги «Васко-да -Гама» - «Америка» жамоалари ўйинида у 950-тўпини дарвозага киритди.

Ҳар йилги мавсумда 35 тадан кўп тўп киритаётган футболчи «футбол қироли» Пелега мансуб натижани ҳам забт этиши мумкин.

Шу ёшда ҳам майдонга тушиб чиройли ўйинлар кўрсатаётган футболчи мухлисларнинг эътиборини шу даражада қозонганки, ҳаттоки улар Ромариони терма жамоага жалб этишларини сўраб, мамлакат футбол федерациясига арз қилишгача боришган. Гарчанд, у ўтган йили футбол билан хайрлашув ўйинини ўтказган бўлса-да, лозим топишса «жон-жон» деб термада ўйнаши мумкинлигини билдирган.

Теннис

МОРЕСМО - БИРИНЧИ РАКЕТКА

Австралия очиқ чемпионатида зафар қучган франциялик Амели Моресмо АТР таснифида дунёнинг биринчи рақамли ракеткасига айланди. У финалда бельгиялик Жюстин Энен Арденни мағлубиятга учратиб, пешқадамликни ҳам қўлга киритди.

Ушбу чемпионатда илк марта қатнашган россиялик Мария Шарапова таснифда тўртинчи ўринга тушиб қолди. Кучли ўнликдан Мартина Хингиснинг ҳам жой олишига унинг Австралия очиқ чемпионатида чорак финалгача етиб келгани сабаб бўлди.

Бокс

МУҲАММАД АЛИ ТАҚДИРЛАНДИ

Афсонавий боксчи Муҳаммад Али Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Иқтисодий Форумда мукофот билан тақдирланди. Хўш, боксчининг иқтисодиётга қандай алоқаси бўлиши мумкин дерсиз.

У мусулмон олами ҳамда Ғарб ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда кўрсатган хизматлари учун бу мукофотга лойиқ топилган. Боксчи оғир хасталиги туфайли мукофот унинг рафиқасига топширилган.

А.ЮНУСОВ тайёрлади

Буни ҳаёт дейдилар

Оқтов ва Қоратов тоғ тизмалари оралиғидаги кенгликларни тасмадек кесиб ўтган-Қўшработдан Нуротага элтувчи йўл четида қариб-қартайган, қуриган шохлари кўкка илтижо қилгандек чўзилган яккатутни ҳар гал кўрганимда алланечук маъюс ҳислар оғушида қоламан. Бу жой, унинг ёнидаги ғарибгина лойшувоқли йўловчилар машина кутиш бекати ҳам шу ном билан "Яккатут" деб аталади. Унинг қачон, ким томонидан экилганини қишлоқлардаги энг кекса чоллар ҳам билишмайди. Айтишларича, уларнинг оталари ҳам шу тут тагида соялаган эмиш.

ЯККАТУТ

Йўловчилар Яккатутга туташ тоғ ёнбағридаги қишлоқлар ҳар бирининг ўз номи бўлса-да, умумий ном билан Қовунчи деб атайверишади. Бундан қирқ-эллик йиллар илгари ҳам бу ерларда тилими тилни ёрадиган қовунлар етиштирилган. Ҳозир бу қадимий анъана унутилган. Гўё қовунчилик сир-асрорини бободеҳқонлар ўзлари билан оилб кетгандек.

Мен қовунчи боболарни беҳуда эслаётганим йўқ. Балки бир пайтлар йўл четига экилган қовун пайкалидан сўроқсиз қовун олишни ўғирлик санамайдиган боболардан бири одамлар соя-салқинда ҳордиқ чиқарсин, деб ерга тут ниҳолини қадагандир. Нима бўлгандаям тут асрлар давомида йўловчилардан ёзнинг жазирамасида бир нафас ҳордиқ чиқаришлари учун соясини аямади.

Бобом урушга шу тут ёнидан кетганини, 1944 йилда ярадор бўлиб қайтгач Яккатут бағрида бир лаҳза нафас ростлаганини эшитганман. Эҳ-ҳе, Яккатут не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган. Агар унинг тили бўлганида ўтган асрнинг йигирманчи йилларида қизини эрта турмушга берганлиги учун қамалиб, судсиз-сўроқсиз Каттақўрғон турмасида ўлиб кетган бобокалонимнинг шу йўлдан миршаблар томонидан қўли боғлиқ ҳолда ҳайдаб ўтилганини, балки унинг шу ерга келганда Яккатут соясида орқасига ғамгин, зориқиб боққанини, қайтмаслигига кўзи етиб Оқтов ва Қоратов кенгликларига сўнгги бор термулганини, юрти билан болалари билан видолашганини айтиб берган бўлармиди! Яккатутнинг табиат ўйинларига бўй бермаган ғадир-будур танасида пинҳон қайғу-ҳасратлар яширингандек.

Яккатутнинг қуриган баланд шохларини узоқдан кўрган йўловчилар кўпинча "қурипти-да" деб қўйишади. Аслида эса яқин борган кишига унинг қуримагани, паст шохларида ҳаёт борлиги яққол кўринади.

Яқинда Яккатут ёнидан ўтаётиб кўрганим манзарадан вужудимни бу гал маъюс ҳислар эмас, қувонч қамраб олганини сездим. Яккатутнинг кунчиқар тарафидаги ҳовузча қилиб қазилган чуқурда бир туп тут ниҳоли яшнаб турарди. Қайсидир йўловчи толиқмасин деб сув ҳам қуйиб кетибди. Назаримда Яккатут бу гал нуроний бободек кулимсираб, қадоқ қўлларини кўтариб зурриёдига фотиҳа бераётгандек туюлди.

Умид САРИЕВ,
журналист

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 9-ҳунар-техника билим юрти томонидан Хакимова Малохат Рихсибаевна номига 1995 йилда берилган АУ № 008294 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.